# ЕРГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ!

(Боши 1-бетда)

-Далам менинг қиёматли дўстим, - дейди касбилик Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайбулла Раҳмонов. – Дўстни алдаб, унинг кўзини шамғалат қилиб бўларканми?..

Ана сизга дангал гап. Афсуски...

-Барча ер эгалари ҳам шундай ўйламайди-да, - дейди Ер ресурслари Давлат қўмитаси ер назорати инспекцияси бошлиғи Мухторжон Шожалилов. – Мутахассисларимиз томонидан кўпчилик вилоятлардаги экинлар тақсимоти билан боғлиқ ҳолат ўрганилганда бир қатор камчиликлар аниқланиб қолди. Масалан, Сирдарё вилоятида бу йил кутилганига нисбатан 3979 гектар майдонга чигит экилмади. Полиз маҳсулотлари эса 1600 гектарни эмас, балки 3047 гектарни, яъни 1447 гектар кўп майдонни эгаллаган. Мирзаобод туманида эса 5000 гектарга эмас, балки 5365 гектарга чигит экилган. Аксарият ғўза майдонларини бегона ўт босиб кетган. Шўр ювиш технологиясига амал қилинмай экилгани боис кўпчилик пайкалларда экин ривожи паст, кўчат сийрак. Хўш, бундай пайкаллардан кутилганидек ҳосил олиб бўладими? Албатта, йўқ. Оқибатда кузда ҳар ким ҳар хил важ-карсон кўрсатади. Ортиқча пахта эксак-да, режани уддалай олмадик, - дейишади. Аслида, бугун асосий мезон пахта майдонини кўпайтириш эмас, ҳосилдорликни ошириш, тола сифатини яхшилашда эмасми? 10-15 центнердан пахта олиб, йилни якунлаган деҳқон пировардида нима наф кўради? Тайёрлов ташкилотидан олган транш маблағи ҳам қопланмасдан қолиб кетмайдими? Ислоҳот нима бўлади? Ахир Мирзаобод тумани ҳам ҳукуматимиз қарорига кўра тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилган-ку...

Туманда ўзбошимчалик билан ерларга шоли экиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Оқибатда 253 гектар ер қўшимча равишда шолизорга айланган. Хўш, бу пайкалларга ортиқча сув, минерал ўғит ва бошқа воситалар қайси ҳисобдан келтирилади. Ноқонуний тарзда эмасми? Шунингдек, қўшимча шолизордан олинган ҳосил қаерга, неча пулдан сотиладию, даромади кимнинг чўнтагига тушади? Баъзи кишиларнинг шолига ружу қўйиши туман иқтисодига, давлатга нечоғлик фойдаю зарар? Афсуски, буни туман раҳбарлари ўйлашмаяпти. Шу боис "Исломбек" фермер хўжалиги 6 гектар, "Тулпор" фермер хўжалиги 9 гектар, "Ишонч" фермер хўжалиги 19,2 гектар, "Ҳамкорлик" 23,7 гектар, "Муродота" фермер хўжалиги 26 гектарга ўзбошимчалик билан шоли экиб олган. Сабзавот, картошка етиштириш, бу экинларни жойлаштириш ва назорат қилиш масаласи ҳам туманда ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Оқибат картошка 60 гектар ўрнига бор-йўғи 2,5 гектарга, сабзавот 300 ўрнига 130 гектарга экилган, холос. Бу аҳволда ери, суви тиллога тенг, ишчи кучи етарли бўлган, вилоят марказининг қоқ биқинида жойлашган Мирзаободда шу маҳсулотлар қиммат бўлиб кетмайдими? Туманда негадир деҳқонларнинг полизчиликка қизиқиши катта. Балки бу қовун-тарвуз билан боғлиқдир. Аниқланишича, полиз экинлари 250 гектарни эмас, балки 624 гектарни эгаллаган. Бу пайкалларнинг 257 гектари фермерлар ихтиёрида. Хўш, одамларнинг полиз экинига иштиёқи баланд экан, шу иштиёқни қонун-қоидани бузмасдан, тартиб билан амалга оширса бўлмайдими? Албатта, мумкин. Фақат бунинг учун раҳбарлар одамлар дарди билан яшаши керак-да.

М.Шожалилов бундай камчиликлар нафақат Сирдарё вилояти туманларида, балки бошқа вилоятларда ҳам учраганини айтди. Масалан, Косон туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги 145, "Шарқ юлдузи" 103,4 гектар, Беруний номли ширкат хўжалиги 168,8 гектар ерга чигит экмаган ва аксинча, бу пайкалларга бошқа экинлар жойлаштирилган. Қамаши туманида эса 2089 гектар ер экин экилмасдан бўш қолиб кетган. 68,4 гектар майдонга зиғир экини рухсатсиз экилган. Бундай ҳолатни Китоб туманидаги "Зарафшон" ширкат хўжалигида ҳам кўриш мумкин. Ширкат аъзолари кўзда тутилмаган ҳолда 3 гектарга полиз, 10 гектарга зиғир экишган. Демак, шу ерни кимдир ё деҳқонга сотган, ё "ҳадя қилган". Ҳосил етилгач, "ярми сеники...", деган бўлиши ҳам мумкин. Албатта, бу бир тахмин. Аммо ердан фойдаланиш бўйича амалдаги тартиблар бузилгани тайин. Шунингдек, мазкур хўжаликда 46,4 гектар ер бўш қолган. Шу даланинг бир йиллик умри увол қилинмоқда.

Вилоятнинг Муборак туманида 4981 гектар, Касбида 515,3 гектар, Яккабоғ туманида 447,9 гектар, Нишон туманида 470 гектар ер бўш қолган.

Тошкент вилояти хўжаликларида ҳам экин турларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўйилган. Вилоятда 1571 гектар ерга кўзда тутилмаган ерёнғоқ экилган. Сабзавот белгиланганига нисбатан 467 гектарга, полиз 2046 гектар кўп экилган. Шу билан бирга картошка 790 гектар ўрнига 554 гектарга, ем-хашак экинлари 13904 гектар ўрнига 4732 гектарга, каноп 1250 ўрнига 314 гектарга экилган, холос. Экинларни жойлаштириш тартиби тасдиқланиб, шунга кўра фермер ва ширкат хўжаликлари бизнес режа тузишар экан, унга аввало ўзлари амал қилишлари лозим эмасми? Нега туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари мутасаддилари экин тури, ер билан боғлиқ қонунбузилишларга бунчалик бепарво бўлишяпти? Мана бу рақамга эътибор беринг: Оққўрғон туманидаги "Фаррух Бойбўта", "Юлдуз", "Сарвиноз бегим" сингари ўнлаб фермер хўжаликларида пахта ўрнига ўз далаларининг бир қисмига бошқа экинлар экиб юборишган. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин. Сабаб? Фермер пахтадан даромад кўрмаяптими? Бўлмаган гап. Чунки пахтанинг даромади эвазига катта ишларга қўл ураётган фермерлар юзлаб, минглаб топилади. Энг муҳими, биз айбдорни топгач, уни жазолаймиз, гуноҳкорга танбеҳ берамиз-у, камчиликнинг туб илдизларини сўрамаймиз. Балки бу фермерлар пахтачиликдан бир қадар бехабардир. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, деҳқон ва фермерлар уюшмаси туман вакиллиги мутахассислари мана шундай фермерларга жўяли таклиф-мулоҳаза, фикр айтса, тушунтирса, уларнинг кўнглига қўл солса, улар бу хатони бошқа такрорламасмиди, деймиз-да...

Жиззах вилоятида ҳам кейинги йилларда катта ишлар қилинаяпти. Ер кўпчилик туманларда фермерлар қўлига ўтган. Ҳалол меҳнат қилиб яхши ҳосил етиштираётган, мукофотлар олаётган деҳқонлар оз эмас. Улар ўзини ҳам, ерни ҳам, элни ҳам бой қилаяпти. Сояпарвар, соҳага адашиб кириб қолган кишилар эса, афсуски, пахта ўрнига бошқа экинлар экиб олишга интиладилар. Маълумотларга кўра вилоятда белгиланганига нисбатан 9126 гектар ерга чигит экилмаган. Бу айниқса, Арнасой (764 гектар), Жиззах (859 гектар), Зомин (3006 гектар), Зарбдор (3283 гектар), Зафаробод (605 гектар), Пахтакор (668 гектар кам) туманларида яққол кўринади. Пахта кам экилгани ҳолда унинг ўрнини 6969 гектар полиз, 170 гектар нўхат, 907 гектар ерёнғоқ, 2424 гектар кунгабоқар, 1414 гектар махсар, 495 гектар кунжут режалаштирилмаган ҳолда "эгаллаб" олди. Хўш, нега жиззахлик деҳқон пахтага эмас, кунжут ё махсарга ишқибоз? Ерёнғоқ ёки қовун-тарвуз экиш одамларга мўмайгина фойда бераяптими?.. Бу пайкалларда кимнинг техникаси ишлаяпти, қайси ариқдан сув, қайси омбордан ўғит, кимнинг ҳисобидан ёнилғи берилаяпти? Режага кирмаган бўлса, нега таъминот жўмраклари бу пайкаллар учун очиқ қолаяпти?

Бир томонда ғўза чанқаб, ўғитга зору, бошқа ёқда қовун-тарвуз палак отади, кунгабоқар гуллаб-яшнайди, ерёнғоқнинг ҳосил туганаклари қум заррасидек кўпайган. Ғалати ҳолат-а. Аммо бу туман ҳокимлари, кунига далама-дала изғиб юрган ўнлаб вакиллар кўз ўнгида содир этилаяпти. Ғўзани бегона ўт босаяпти-ю, ишчиларнинг асосий қисми бошқа экинлар парвариши билан банд. Масалан, Зарбдор туманида қарийб минг гектар, Дўстлик туманида 665 гектар майдондаги ғўзаларни бегона ўтлар сиқиб қўйган. Бу ерда эса 95 гектар майдонга макка, 181 гектар ерга сабзавот, 1133 гектар ерга полиз, 108 гектар ерга ерёнғоқ, 37 гектарга кунгабоқар, 22 гектарга кунжут экинлари режалаштирилмаган ҳолда экилган. Пахтакор туманидаги "Дуру-маржон", "Қосим", "Шукур ота", "Ойқор", "Отабек-2001", "Шамс", "Райҳон она", "Энтер", "Султон-3" фермер хўжаликлари айби билан 64 гектар ер бўш қолган. Бу – жойлардаги каттаю кичик раҳбарларнинг нон қадар азиз саналган ерга бўлган эътиборсизлигидан бошқа нарса эмас. Бундай эътиборсизлик эса чуқурроқ таҳлил қилиб кўрсангиз, сизга, бизга, ҳаммамизга катта зарар келтираяпти. Энг ачинарлиси, ушбу ҳолатлар Президентимиз бошлаб берган қишлоқ хўжалиги тизимидаги туб иқтисодий ислоҳотларнинг боришига тўсқинлик қилмоқда.

Ер ўз эгасини топган, пайкаллар ширкат хўжалигининг ижарачиси ё фермер қўлида деймиз. Бу бор гап. Мантиққа кўра ер эгаси қонун-қоидани четлаб ўтмаслиги лозим. Чунки у шу ерни олаётганида лафзни, диёнатни ўртага қўйган, тегишли идоралар олдида ваъдани қуюқ қилган. Аммо у нега ерга уруғлик сочиш маҳали ўзгариб қолаяпти? Чигит ўрнига бошқа уруғларни пайкал бошига кўтариб боряпти. Турли воситаларни сотиб олиш учун нақд пулни ғамлаб қўйганини, ғалвир сувдан кўтарилгач, нўхат, ерёнғоқ ва бошқа экинлар ҳосили бари чиқимларни қоплаб кетишини ҳам яширмаяпти. Ҳатто баъзи ҳолларда чўлга чиқиб деҳқончилик қилишни мўлжаллаётган шоввозларни ҳам учратиб қоламиз. "Гектарига 200 минг бераман, 10 гектар ер гаплашиб беринг. Жуда бўлмаса, кузда қовун-тарвузнинг чорагига шериксиз" дейишади. Бу таклифга мойиллик билдиринг, биласизки, у шу йўл – ер олди-бердиси, ноқонуний деҳқончилик орқасидан бир мавсумдёқ машина минмоқчи. Манави тойчоқ ўтган йилги даромаддан, дейди у яп-янги машинага имо қилиб. У билан ҳамкор бўлган деҳқон-чи?.. Сезасизки, бу ерда тағин алдов бўлган, ер эгаси тағин чув тушган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас..

Ер ресурслари Давлат қўмитасидан олинган маълумотга кўра, шу йилнинг олти ойида 1550 нафар ер қонунчилигини бузувчилар аниқланган. Айбдорларга 15 миллион 219 минг 161 сўм жарима белгиланган. Ердан самарасиз ва ноўрин фойдаланган 641 нафар фермернинг 22811 гектар ери белгиланган тартибда қайтариб олинган. Хўш, бундай қонунбузарлик кимга керак? Бу камчиликларни аниқлаш учун қанчадан-қанча маблағ сарфланаяпти? Бу харажатлар кимнинг ҳисобидан кетади? Ахир бир вилоят ерларини бошқа вилоят мутахассислари ўлчаб чиқишади. Бу юмуш кабинетда эмас, контурма-контур маҳаллий раҳбарлару фермерлар иштирокида далама-дала юриб амалга оширилади. Энди буни хомчўт қилинг: қўшни вилоятдан келиш транспорт, бензин, мутахассис вақти ва бошқа ташвишлар. Эҳ-ҳе... Бу сарфлар юмалай-юмалай охир-оқибат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг устига "ўтиради". Тўғрироғи, деҳқон буванинг елкасига... Чунки жарималар тўлиқ сарфни қопламайди-да. Кўриб турибсизки, айрим "заминдорлар"нинг хомхаёлга берилиши хўжаликнинг ҳамёнига зиён келтиряпти.

Яна бир ғалати ҳол. Сирдарёлик бир ер тузувчи шундай дейди:

-Ўзимиз ташаббус кўрсатиб ер билан боғлиқ қонунбузарликни очиб, ишларни прокуратурага оширдик. Устимиздан иш қўзғашди. Айбдорни аниқлаб бериб, тағин ўзимиз балога қолдик. Шу адолатданми?

Энди масаланинг бошқа жиҳатига эътибор берайлик. Баъзи жойларда пахта ўрнига кунгабоқар, ерёнғоқ экилади. Бозорда шу заҳоти пул бўладиган экин деҳқонга афзал кўринади. Бундан ташқари учинчи одамга хуфёна ер ижарага берилса ҳам қўшимча даромад-да. Аммо бир гектар ердан 30 центнер пахта хом ашёси олинса, шунинг ўзи 400 минг сўмдан ошади. Пахта ёғи, ем ва бошқа маҳсулотлар бунга кирмайди. Шунингдек, турли воситалар таъминотида ҳам муаммо йўқ ҳисоби. Ерёнғоқ экилса-чи? Ҳамма нарса: ўғит, ёнилғи, техника, ер – бари нақд пулга сотиб олиниши лозим. Ўз далангда ўғри-муттаҳамдек ишлашни айтинг. Еган-ичганинг ўзингга юқмайди ҳам. Бир гектарга ерёнғоқ экиб неча пул қўлга тегаркин?.. Қанчаси жарима, қанчаси гувоҳлару тафтишчининг "оғзини ёпишга" кетаркин? Агар ер тузувчи ўз вақтида кўриб қолмаса...

Афтидан, маҳаллий раҳбарлар ер эгасига худди шундай мисолни қайта-қайта эслатиб туришлари лозим. Ана шунда баъзи кишилар йўлдан озмайди. Туман раҳбарлари эса нуфузли минбарларда хижолат бўлиб, ҳуда-беҳуда терга тушиб ўтиришмайди.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Хўш, бу билан ким кимни алдаяпти? Элними, ўзиними, ерними? Бу ҳақда мутасадди ташкилотлар ўз муносабатларини билдиришади деб ўйлаймиз.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ФРАНЦУЗ АСКАРЛАРИ ИРОҚҚА ЮБОРИЛМАЙДИ

***Рейтер агентлигининг хабар беришича, Франция ўз тинчликпарвар кучларини Ироққа юбормайди.***



Мамлакат президенти Жак Ширак Чехия президенти Вацлав Клаус билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бу ҳақда маълум қилган. Ироқдаги урушга қарши бўлиб келган расмий Париж фикрича, Ироқда муваққат ҳукумат тузиш ва тикланиш ишларини олиб боришга БМТ етакчилик қилиши керак.

## ҲАРБИЙ СУД ТУЗИЛМОҚДА

***Ироқда ташкил этилган янги бошқарув кенгаши Саддам Ҳусайн тузуми даврида амалга оширилган инсониятга қарши жиноятлар бўйича ҳарбий суд тузишга қарор қилди.***



Жумладан, Саддам Ҳусайн ёрдамчиси устидан қўзғатиладиган жиноий иш биринчи навбатда кўриб чиқилади. Шунингдек, 1983 йил 8 минг нафар курдларни ва 1991 йилги Форс кўрфази урушидан сўнг 300 минг мусулмон шиаларни ўлдириб юборишлари юзасидан ҳам жиноий ишлар кўриб чиқилади. Айни пайтда Ироқдаги ягона сиёсий орган дея айтилаётган мазкур бошқарув кенгаши 13 нафар шиалар, 5 нафар суннийлар, 5 нафар курдлар ҳамда 1 христиан ва 1 туркман вакилларидан иборат.

## МУАММО УРУШГАЧА БОРАДИМИ?

***Билл Клинтон даврида мудофаа вазири бўлиб ишлаган Уильям Перри тахминича, бу йил АҚШ ва Шимолий Корея ўртасида уруш бошланиши мумкин.***



"Вашингтон Пост" газетасига интервью берган Перри расмий Пхеньяннинг фойдаланиб бўлинган ядровий ёқилғиларни қайта ишлашга киришганлиги ҳақида Қўшма Штатлар ҳукумати маълумотга эгалигини айтган. "Мен кўп бор агарда Шимолий Корея ядровий қурол яратиш борасида муҳим қадамлар ташласа, у ҳолда биз уруш бўсағасига бориб қолишимиз мумкинлиги ҳақида гапирганман", дея фикрини билдирган Пентагоннинг собиқ раҳбари. Ўтган сешанба куни эса Оқ уй маъмурияти Шимолий Корея атом бомбаси яратиш учун етарли миқдорда плутоний моддасига эгалигини тасдиқлаганидан безовталигини билдирган эди.

## ЖОРЖ БУШ ОЛГАН СОВҒАЛАР

***АҚШ расмийлари президент Жорж Бушнинг дунё давлатлари раҳбарларидан олган совғалари рўйхатини эълон қилди.***



Унга кўра Саудия Арабистони қироллиги Жорж Бушга баҳоси 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган тасвирий санъат асарини, Италия ҳукумати эса 30 минг долларлик ҳайкални, Бирлашган Араб Амирликлари ёқут ва бриллиант тош ўрнатилган 20 минг долларлик ручкани, Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай жун ва ипакдан тўқилган 5,5 минг долларлик гиламни, Буюк Британия бош вазири Тони Блэр 300 долларлик ғилофига олтин суви билан GWB (Буш исм-фамилиясининг қисқартмаси) деб ёзилган мочалка совға қилган. Россия президенти Владимир Путиннинг совғаси эса кумушдан ясалган 6 кишилик кофе набори бўлиб, унинг баҳоси маълум қилинмаган. Қўшма Штатлар раҳбарларининг олган совғалари Миллий архивда сақланади.

## "АЛ-ҚОИДА" ЖАНГАРИЛАРИ

***11 сентябр воқеалари бўйича АҚШ Конгрессининг олиб борган текширувларига кўра, "Ал-Қоида" ташкилоти ўз лагерларида 70-120 минг нафар атрофидаги жангариларни террорчилик «ҳунари» бўйича ўқитган.***



Бу ҳақда сенатнинг разведка қўмитаси аъзоси Боб Грэм айтган бўлиб, унинг тахминича, жангарилар дунёнинг турли бурчакларига тарқатиб юборилганлар. Хусусан, улардан айримлари Қўшма Штатларда яшириниб юрибдилар. Ҳозирда "Ал-Қоида"га дахлдор маълумотларнинг тўлиқ матни Федерал Тергов Бюроси ва Марказий Разведка Бошқармаси томонидан кўриб чиқилаётган бўлиб, унинг оммага юз фоиз ошкор этилиши мамлакат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин.

Бундан бир неча ой аввал эса немис мутахассислари "Ал-Қоида" жангариларини 70 минг атрофида дея баҳолаб, уларнинг аксарияти Афғонистондаги лагерларда тайёргарликдан ўтганликларини айтган эдилар.

## ФСБГА ЯНГИ РОБОТ БЕРИЛДИ

***Россия Федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ) портловчи моддаларни йўқ қилишда фойдаланиладиган робот қурилмасига эга бўлди.***



Россияда ишлаб чиқарилган "Вездеход-М3" роботи Тушино аэродроми ва "Имбирь" ресторанида юз берган воқеаларга ўхшаш ҳолатларда қўлланилади. Ҳаракатланувчи робот ФСБнинг илмий-техникавий таъминот бошқармаси буюртмаси бўйича тайёрланган бўлиб, портловчи моддаларни топиш ва зарарсизлантириш вазифаларини бажаради. Ушбу бошқарма бошлиғи Сергей Медвецкийнинг айтишича, роботдан фойдаланиш сапёрлар ҳаётини сақлашга хизмат қилади.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

## ЖОЙИДА ТАЪМИРЛАЙДИ

***Навоий вилоятида «ЎзКейссервис» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг сервис маркази очилганига тўрт йил бўляпти.***

**ДАВР**

Марказ ўтган йили туманлардаги машина-трактор паркларига қарийб 300 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатган бўлса, шу йилнинг ўзида бу кўрсаткич 400 миллион сўмдан ошиб кетди.

Сервис марказининг кўчма устахоналари «Кейс», «Магнум» тракторлари ва ғалла ўриш комбайнларини далада таъмирлаяпти. Шунингдек, марказда хориж техникасининг муайян қисмлари ҳам таъмирланаётир. Натижада вилоятда давлатга ғалла топшириш шартнома режаси ўтган йилга нисбатан 15 кун илгари бажарилди. Бунда, албатта, сервис маркази ходимларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

**(ЎзА)**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

**АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**2003 йил 21, 28 август кунлари соат 11.00 да Республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объект қўйилади:**

*Тошкент шаҳри Сирғали тумани, Сайфи Алимов кўчаси 22 "А" манзилда жойлашган 2-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш шаҳобчаси.*

***Бошланғич баҳоси – 29525,3 АҚШ доллари.***

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат тўлаши шарт.

Закалат пули савдо ғолиби бўлмаган харидорларга қайтариб берилади.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржа маркази биноси, 3 қават, 44 хона, Республика Кўчмас мулк биржаси**

*Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.*

*Факс: 136-06-17*

*www. uzrkmb, com*

**Лицензия рақами: 000004**

## "ҒАЛЛАБАНК": ФЕРМЕРЛАР ХИЗМАТИДАМИЗ

***Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 7 ноябрда қабул қилинган 383-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Мазкур қарорга мувофиқ, мамлакатимизнинг 4 та Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида фаолият юритаётган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда ғалла маҳсулотлари етказиб берадиган фермер хўжаликлари тажриба тарзида Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма ҳисобидан бўнаклаштириш ўрнига имтиёзли кредитлаш механизмига ўтказилдилар.

РАТБ «Ғаллабанк» томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер хўжаликлари бўйича жорий йил ғалла ва пахта ҳосилини етиштиришни молиялаштиришда ана шундай тартиб асосида иш ташкил этилди.

«Ғаллабанк»нинг Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида жойлашган филиалларида хизмат кўрсатилувчи фермерлар жорий йилда давлат эҳтиёжлари учун 19548,4 тонна пахта етиштириш бўйича 499 та ҳамда 10367,5 тонна ғалла етказиб бериш юзасидан эса 403 та контрактация-шартномалари тузганлар.

Агар ҳар йилги тартибга амал қилинса, маҳсулот етиштириш учун мўлжалланган технологик карталарга мувофиқ 19548,4 тонна пахта етиштириш учун фермерларга 1084,1 млн. сўмлик, 10367,5 тонна ғалла етиштириш учун эса 205,8 млн. сўмлик, жами 1289,9 млн. сўмлик маблағлар бўнак тарзида фермерларга Жамғарма маблағлари ҳисобидан етказилиши лозим бўларди. Жорий йилдаги имтиёзли кредитлаш тартибига асосан ғаллакор хўжаликлар ҳозиргача 91,1 млн. сўм ёки олиниши мумкин бўлган маблағнинг фақат 48,6 фоизини олишди. Демак, фермерлар маҳсулот етиштириш учун имтиёзли бўлса-да кредит берилишини эътиборга олиб, унинг ҳар бир сўмини ҳисоб-китоб асосида сарфлашга, ҳаражатларни кескин қисқартиришга, кўзда тутилмаган ҳаражатларни юзага келтирмасликка интилмоқдалар.

Биргина мисол, Ромитан туманидаги «Азимобод» фермер хўжалиги 2003 йил учун давлат эҳтиёжларига 38,9 тонна ғалла етиштириш бўйича контрактация-шартномасини тузган бўлиб, ҳисоб-китобларга кўра ушбу фермер хўжалиги мавсум давомида 603,1 минг сўмлик имтиёзли кредитдан фойдаланиши мумкин бўлгани ҳолда ҳақиқатда 471,9 минг сўмлик кредитлар жалб қилди. Натижада, фермер фойдаланмаган 130,8 минг сўмлик маблағни якуний ҳисоб-китоб сифатида олиши, бунинг эвазига даромадини, рентабеллигини ошириш имкониятига эга бўлди.

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Албатта, маблағларни иқтисод қилиш, улардан самарали фойдаланиш бозор иқтисодиётининг энг муҳим шартлари эканлигидан келиб чиқиб, фермерлар ўзларига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг яқинроқ бўлишини, вақтни тежаш имкониятини қидиришга мажбур бўлмоқдалар. Бу борада бошқа банклар қатори «Ғаллабанк»да ҳам режали тадбирлар амалга оширилиб, фермерлар учун қулайликлар яратилмоқда.

Жумладан, 2003 йил 1 июл ҳолатига фермер хўжаликлари жойлашган узоқ қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган мини банклар сони 40 тадан ортди. Улар хизмат кўрсатаётган фермерлар сони эса 330 дан зиёддир.

Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 августдаги 290-сонли «2003 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини кузги экишини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари, дон етиштириш ва давлат ресурсларига ҳарид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 13 майдаги 213-сонли «2003 йил бошоқли дон экинларини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари асосида банк томонидан жорий йилда ғалла ҳосилини молиялаштириш юзасидан амалий чоралар кўрилди ва ушбу фаолият бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Хусусан, 2003 йил ғалла ҳосили бўйича 2812,7 минг тонна бошоқли дон, жумладан 312,7 минг тонна уруғлик учун контрактация-шартномалари тузилди. Жорий йилда етиштириладиган ғалланинг умумий қиймати 209,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, мазкур хўжаликларга амалдаги тартибларга мувофиқ бўнак маблағлари етказиб берилди.

Бугунги кундаги асосий вазифа катта меҳнат, машаққат ва сарф-харажат эвазига етиштирилган ғалла ҳосилини тез, соз ва нес-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш, давлатга товар дон сотиш, уруғлик бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва шунингдек, ғалла етиштирган хўжаликлар билан топширилган дон учун ҳисоб-китоб қилиш ишларини амалга оширишдир.

Ушбу мақсадда, банкнинг барча филиалларида ғалла ҳосили учун ўз вақтида якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида махсус Ишчи гуруҳ ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгилаб олинди.

Ғалла етиштирувчи хўжаликлар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тезкор маълумотларга кўра 104,5 млрд. сўмлик аккредитив маблағлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, бугунги кунда банк томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Биргина, 2003 йилнинг ўтган биринчи ярим йили давомида кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги тадбиркорларга банк ўз маблағлари ҳисобидан 1617,2 млн. сўмлик кредит ажратган бўлса, унинг ҳисобига 838 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан эса 386 тадбиркорнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 893,6 млн. сўмлик кредитлар берилган бўлиб, улар ҳисобига 789 та янги ишчи ўринлари яратилди. Бу эса, асосан жойларда ҳукуматимиз томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга қаратилган эътибори ҳамда банк томонидан жорий этилган самарали банк хизматларининг натижасидир.

Қишлоқ хўжалик соҳасини молиявий қўллаш, фермерларга яратилаётган шарт-шароитларни эътиборга олиниб, РАТБ «Ғаллабанк» Маркетинг тадқиқотлари бўйича Европа Маркази томонидан ўтказилган «Агробизнес-2003» танловининг ғолиби, деб топилди ва 2003 йилнинг 27-29 апрел кунлари Бельгия давлатининг Брюссель шаҳрида ўтказилган халқаро Форумда унга ғолиблик совғаси ва диплом топширилди. «Ғаллабанк» жамоаси бу танловда ғолиб бўлишининг асосий омили, аввало банкда олиб борилаётган кенг кўламдаги фаолият, мижозлар билан ўзаро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади.

**Низомиддин ШОМУРОДОВ**

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 149-мактаб томонидан 2002 йили Алимджанов Хабибулла Хайруллаевичга берилган O'R-A № 1231045-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 27-умумтаълим мактаби томонидан 1997 йили Ғафуров Жасурга берилган O'R-A № 008304-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан 1991 йили Таджиев Содиқ Мавлоновичга берилган ФВ № 959668-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Чиғириқ қўрғонидаги "Мухлиса" хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Манзил: Ангрен, Чиғириқ қўрғони, Тошкент йўли кўчаси. Тел.: 8-276-46-768.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 31-мактаб томонидан 1989 йили Тўраева Роза Юсуповнага берилган Д № 79284-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"DAMACHIAGRO" масъулияти чекланган жамияти Устав жамғармасини 500000 сўмгача камайтираётганлигини маълум қилади. Тел.: 117-40-57.

Утерянный.гос.ордер 06-21/333 от 8.04.93 г. права собственности Тробова Хакимжана Артыковича на квартиру, считать недействительным.

Утерянный.гос.ордер 05-01/10981 от 12.06.93 г. права собственности Давыдова Давыда на квартиру, считать недействительным.

# ҲЎҚАНДИ ЛАТИФНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

(Боши 1-бетда)

-Қуш уясида кўрганини қилади, дейишади-ку, бу оилавий муҳит, тарбия туфайли. Дадам раҳматли хизмат кўрсатган ўқитувчи эдилар. Онам ҳам ўқитувчилар. Дадам жуда кўп китоб олиб келардилар.

Шу китобларни титкилаб катта бўлганман. Уйдаги китобларни тугатиб, қишлоқ, туман кутубхоналарига ўтганман. Китоблар мени бир умрга адабиётга ошно этди. Қўқондаги "Ниҳол" адабий уюшмасига қатнашдим, мақолалар, шеърлар ёза бошладим. Қўқон педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаганимдан сўнг шу ерда олиб қолишди. Ишлаш билан бирга Ўзбекистон миллий университети аспирантурасида сиртдан ўқиб, филология фанлари доктори, профессор Анвар Хожиаҳмедов раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бордим.

"XX аср боши ўзбек адабий танқиди тарихидан" мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилдим. Шу баҳона Тошкент, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига қатнаб, илмий кутубхоналарда бўлиб, адабиёт тарихига оид жуда кўп материаллар тўпладим. XIX аср охири XX аср бошидаги адабий ҳаёт ва адабий танқид билан яқиндан танишдим.

Ўша давр адабиётини, адабиётшуносликни ўрганиш жараёнида жуда кўп жадид шоир-ёзувчиларнинг, адабиётшуносларининг ҳали фанда маълум бўлмаган асарлари ва мақолаларини топдим. Уларнинг айримларини матбуотда эълон қилдик. Ашурали Зоҳирий, Иброҳим Даврон, Ҳожи Муин, Аҳлулло Хайрулло ўғли, Абдулҳамид Чўлпон... Чўлпоннинг 17 ёшида ёзган "Адабиёт надур" деган мақоласи бўлажак ёш ёзувчининг жуда катта илмий салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради. Мақола илгаридан маълум бўлса-да, Чўлпоннинг номидан қўрқишиб, эълон қилишга журъат этишолмаган. Ҳатто мақолани бошқа адиб ижодига нисбат беришган. Биз уни 1982 йили "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида илк бор эълон қилдик.

Кутубхоналарда ўтириб, ўша давр газета-журналларини титкилаб Абдулла Қодирийнинг кўплаб қизиқарли адабий-танқидий мақолаларини учратдим. Ўз даврида анчайин машҳур бўлган, ҳозирда кўпчиликка номаълум Нурий Усмоний, Обиджон Маҳмудов, Маҳмудхўжа Фидойи, Абдуллабек Мусабеков каби ижодкорларнинг адабий-танқидий мақолаларини топиб, уларнинг айримларини матбуотда эълон қилдим.

Ана шу изланишлар жараёнида XX аср бошидаги Қўқон адабий муҳитига доир кўплаб манбаларига дуч келдим. Худди шу мавзуда илмий ишимни давом эттириш истаги пайдо бўлди. Буни устозларим ҳам маъқуллашди.

Шу пайтгача Қўқон жадид матбуоти деярли ўрганилмаган. Ваҳоланки, Қўқон Туркистондаги жадид матбуоти марказларидан бири бўлган. "Садойи Туркистон" каби ўз даврининг қатор газета-журналларини синчиклаб ўрганиш шундай хулосага келишимизга асос бўлди. Ўша давр матбуотини ўрганиш асосида тилимиз тараққиёти билан боғлиқ қизиқарли маълумотларга дуч келдик. Масалан, бир пайтлар бир гуруҳ олимлар ўзбек тили тараққиётини араб тили билан боғлаб, "Бу тилни мукаммал эгалламаган ижодкор ҳақиқий шоир ёки ёзувчи бўлолмайди", деган фикр билан чиқишган бўлса, айримлар тилимиз ривожини усмонли турк тили билан боғлашган. Буларга қарши ўлароқ Ашурали Зоҳирий, Аҳлулло Хайрулло ўғли каби адиб ва адабиётшунослар ўз илмий мақолаларида бу даъволарнинг асоссиз эканлигини, ўзбек тили ўз тарихига, ўз анъаналарига эга энг бой ва гўзал тил эканлигини, бу тилда Навоийдек, Лутфийдек буюк боболаримиз ўлмас асарлар яратиб кетганларини таъкидлашади.



XX аср бошлари Қўқон адабиёти учун янгича давр ҳисобланади. Бу пайтдаги адабиёт тили жонли, тушунарли, халқ тилига яқинлиги билан ажралиб туради. Ана шу даврда Мавлоно Муқимий, Завқий, Абдуллажон Насибий, Насриддин Нусрат, Носирий, Мирзо Карим Хўқандий, Писандий, Мавлавий Йўлдош каби шоирлар баракали ижод қилишган.

Бундан ташқари XX аср бошида нашр этилган газета-журналларни ўрганиш мобайнида Ашурали Зоҳирий, Иброҳим Даврон, Муҳаммаджон Холиқий, Хўжа Ризоий, Абдулваҳоб Ибодий каби ёзувчи-шоирлар, адабиётшуносларнинг янги-янги асарларига дуч келдикки, булар ўзбек адабиёти тарихидаги янги саҳифалардир.

**-Бу маълумотларнинг ҳаммасини Қўқон адабиёт музейидан олганмисиз?**

-Бу ҳали ҳаммаси эмас. Булар, таъбир жоиз бўлса, денгиздан бир томчи. Аллома шоиримиз F.Ғулом асос солган музейда адабиётимиз, маданиятимиз, тарихимиз билан боғлиқ жуда катта илмий хазина тўпланган. Минглаб қўлёзма, тошбосма китоблар бор. Навоий, Лутфий каби буюк шоирларимизнинг девонлари, Бобораҳим Машраб баёзи, кўплаб ёзувчи-шоирларнинг қўлёзмалари сақланиб қолган.

Аҳолидан олинган XX асрга оид китоблар, араб ёзувидаги қимматли манбалар дунёнинг бошқа бирор музейида йўқ. Масалан, Муқимийнинг дастхат баёзи, Навоий "Хамса"сининг қўқонлик Раҳимжон Каримжон ўғли томонидан етти марта кўчирилган қўлёзма нусхаси, Жомий, Ҳофиз, Саъдий, Бедил ва бошқаларнинг қўлёзма асарлари ҳам Қўқон адабиёт музейида сақланади. Яна бир мисол, Ашурали Зоҳирий 30-йилларда қамалади ва Москва-Волга каналида ишлайди. Ўша канал қурилишида ўрта турк шевасида "Канал қурилишида" деган газета чиққан экан. Яқинда бу ноёб ёдгорлик нусхасини Тошкентдаги Шаҳидлар хотираси музейига топширдик. Ёки бўлмаса, Абдулҳамид Чўлпоннинг ўз вақтида гимнга айланиб кетган "Озод Туркистон марши" асари фақат Қўқон музейида сақланади.

**-Ҳозирги Қўқон адабий муҳити ҳақида нима дея оласиз?**

-Кўплаб шоир-ёзувчилар, устозлари, улуғ ҳамшаҳарлари анъаналарини давом эттиришаяпти. Масалан, Анвар Юнус, Ҳабибулло Саидғани, Комил Жўра, Дилбар Ҳамзахўжаева, Мақсуда Эгамбердиева, Носир Зоҳид, Маъмур Қаҳҳор, Фарида Афрўз, Назиржон Назар каби ижодкорлар номини мамлакатимизда яхши билдишади.

**-"Қишлоқ ҳаёти" ўқувчиларига тилакларингиз?**

-Оллоҳ ризқимизга барака берсин. Далаларда ризқ-рўз ундираётганлар соғ-саломат бўлсинлар. Халқимиз китоб, газета, журнал ўқишдан толмасин. Бутун дунё сирлари ана шу китобларда, газета-журналларда жам эканини асло унутмасинлар.

**Суҳбатдош: Ортиқали НОМОЗОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҒЎШТДАГИ ҚИЛ

**РИВОЯТ**

***Ривоят қилишларича, бир куни Хоразмга Ҳирот шаҳзодаси ташриф буюрибди. Мамлакат шоҳи шаҳзодани иззат-икром билан кутиб олибди.***

Ҳатто, кечқурун унинг шарафига дабдабали зиёфат ҳам уюштирилади. Аммо эртаси куниёқ шаҳзода "кетаман"га тушиб қолибди. Бу ҳолдан подшоҳ ҳам, хоразмликлар ҳам ҳайрон бўлишибди. "Шунча узоқ йўлдан меҳмон бўлиб келган шаҳзода нега бир кун ўтиши биланоқ, кетмоқчи бўлаяпти? Биздан қандай камчилик ўтди экан". Мана шундай саволлар оғушида ноқулай аҳволда қолган Хоразм ҳукмдори ўз аъёнлари билан энди жўнаб кетмоқчи бўлаётган Ҳирот шаҳзодаси отининг жиловига ёпишиб олибди-да: "Ҳеч бўлмаганда кетишингиз сабабини бизга айтиб кетинг, гуноҳимизни билиб қолайлик", дебди.

Шунда шаҳзода: "Шоҳим, кеча зиёфатда мен лагандан бир гўштни олиб оғзимга солаётган вақтимда сиз, "тўхтанг, шаҳзодам", дединигизда, қўлимдаги гўштдан кичкина қилни олиб ташладингиз. Гўштдаги кўзга кўринмас қилни кўрган кўзингиз наҳот гўштнинг ўзига тушмайди? Бундан англадимки, сиз мен еган ҳар бир луқмани кузатиб ўтиргансиз. Бу эса меҳмондорчилик урфига хилоф".

Шаҳзоданинг гапларини эшитган шоҳ дарҳол ўз хатосини тушунибди ва кўп ўтмай мамлакат фуқароларига фармон эълон қилибди. Фармонда шундай сўзлар битилган экан: "Бугундан эътиборан кимнинг уйига меҳмон келса, унинг олдига қўйилган таомга фақат бир маротаба олинг, деб айтсин. Меҳмоннинг еб-ичиши билан иши бўлмасин!" Шундан сўнг Хоразмда "олинг", дея мулозамат кўрсатиш одати йўқолиб кетган дейишади.

**Нигора ТЎХТАМАТОВА**

*Кўнгилга сайр*

# ОНАМ БИЛАН КЕТМОН ЧОПГАН АЁЛЛАР

**Борга боқмай, йўқни йўқлар хаёллар,**
**Онамдек бокира, офтобжамоллар,**
**Кўргим келиб тўрт тарафга термулдим,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Бир туп райҳон қошида юз тиз буккан,**
**Йиғи келса ялпизларга дил тўккан.**
**Қўлингиз гул, райҳон эккан, гул эккан,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Пешонангиз тери томган Момо Ер,**
**Қайда қолди фариштадек момом дер,**
**Қалдирғочлар қўлингиздан таом ер,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Бу дунёнинг кори сира битмаган,**
**Тақдир сизга не юмушлар тутмаган,**
**Дилингиздан айтинг нелар ўтмаган,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Сочларингиз қорлардан ҳам оқ бугун,**
**Кўнгил ярим, кўнгил бунча тоқ бугун,**
**Ўнингиздан тўққизингиз йўқ бугун,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Ёв тиғидан ҳатто йўлбарс ўкирар,**
**Битта кетмон бир эркакка юк бўлар,**
**Изингиздан не чаманлар гуркирар,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Бир ўғилмиз, мингта ўғил, хўш нима,**
**Кўрмаганмиз бизлар ахир қўш нима,**
**Гоҳо татиб, татимаган гўшт нима,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Сиз Ватаннинг юзидаги ёғдуси,**
**Сиз Тангрининг тўкилмаган туйғуси,**
**Кетмон бетин куйдирган гоҳ қайғуси,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Шойи сотиб алп йигитлар шод келар,**
**Маҳмуд каби кўп шоирлар мот келар,**
**Дил тубидан билмам қандай дод келар,**
**Онам билан кетмон чопган аёллар.**

**Маҳмуд ТОИРОВ**

# SPORT OLAMIDA

*ЎЗБЕКИСТОНДА:*

## БОКСЧИЛАРИМИЗ ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

***Таиланднинг Бангкок шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати ниҳоясига етди.***

Аввалги жаҳон чемпионатида анча муваффақиятли қатнашиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига бу сафар еттинчи ўрин насиб этди. Ўн бир вазн тоифасида жаҳоннинг 60 та мамлакати чарм қўлқоп усталари иштирокида уюштирилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Шерзод Ҳусановгина финалда ғолиблик учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритганди. Аммо кубалик рақибига очколар ҳисобида имкониятни бой берган ҳамюртимизга кумуш медал насиб этди.

## "МОВИЙ ТЎЛҚИН – 2003"

***Пойтахтимизнинг Миробод туманида болажонлар иштирокида "Мовий тўлқин – 2003" деб номланган турнир уюштирилди.***

Туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мусобақада болажонларнинг сузиш бўйича эгаллаган маҳоратлари синаб кўрилди.

## ЖАЪФАР УКРАИНАДА

***"Ukrainian Soccer" сайтининг хабар беришича, Ўзбекистон терма жамоасининг 26 ёшли ўйинчиси Жаъфар Ирисметов Украинанинг "Кривабасс" жамоаси билан шартнома имзолаган.***

Москванинг "Спартак" клуби собиқ ҳужумчиси Жаъфар бугунга қадар Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси таркибида ўйнаган эди.

## ҚОДИРОВ – ГОЛ МУАЛЛИФИ

***Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари ўртоқлик учрашувларида омадларини синаб кўриш мақсадида Германияга йўл олишганди.***

У ерда Обер лига вакили "Вунерпалер" билан куч синашган ёшларимиз муросасиз беллашувда рақибларига 1:3 ҳисобида имкониятни бой беришди. Ҳамюртларимиздан германияликлар дарвозасига ягона тўпни "Машъал" футболчиси Р.Қодиров 77-дақиқада киритди.

## РАВШАН "ТЎПОЛАНГ"ГА ҚАЙТДИ

***Бир вақтлар "Пахтакор" сафида маҳорат билан тўп сурган иқтидорли футболчи Равшан Бозоров мамлакат XII миллий чемпионатининг биринчи даврасини Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси сафида ўтказгани ашаддий футбол ишқибозларига маълум.***

Сўнгги маълумотларга қараганда, Равшан Сурхондарё вилоятининг Узун тумани жамоаси "Тўполанг" сафида майдонга тушган. Дарвоқе, Бозоров футболдаги дастлабки учрашувларини ҳам айнан "Тўпаланг" таркибида бошлаган эди.

## ФАЙЗИЕВ "НАСАФ"ДАМИ?

***Бир неча йиллардан бери Россия клубларида тўп сурган моҳир футболчиларимиздан бири, Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси Даврон Файзиев мамлакатимизга қайтди.***

Гап шундаки, қаршининг "Насаф" жамоаси ҳозирда Иссиққўлга жўнаб кетган. Даврон ҳам қаршиликлар таркибида ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этаяпти.

## ТАРКИБДА ЎЗГАРИШ

***Айни кунларда мамлакат XII миллий чемпионати иккинчи даврасига тайёргарлик кўриш мақсадида Наманганнинг "Навбаҳор" жамоаси Тошкентга келди. Наманганликлар таркибида ҳам баъзи ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.***

Чунки жамоанинг ўқув-машғулот йиғинларида "пахтакор"чи Виталий Жалилов ҳамда "Дўстлик" аъзолари Шуҳрат Усмонхўжаев ҳамда Шуҳрат Раҳмонқуловлар ҳам иштирок этишяпти.

*ХОРИЖДА:*

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЕРЛИНДА АНИҚЛАНАДИ

***Жаҳон чемпионатини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Франц Беккенбауэрнинг маълум қилишича, 2006 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финал учрашуви Берлин шаҳрида бўлиб ўтади.***



"Soccer Way" сайтининг хабарига кўра, 1974 йил Мюнхендаги Олимпия стадионида ўтказилган ГФР ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги финал ўйинида немислар ғалаба қозонган эдилар. Орадан 14 йил ўтиб айнан ушбу ўйингоҳда кечган Европа чемпионатининг финал учрашувида Голландия жамоаси собиқ СССР футболчиларини мағлуб этишган эди. 2006 йилги ярим финал ўйинларининг бири Мюнхенда, иккинчиси эса Дортмунд шаҳрида бўлиб ўтади.

## ЯНА КОМПЬЮТЕРГА ҚАРШИ

***Россиялик гроссмейстер Гарри Каспаров ноябр ойида компьютер қурилмаси билан ўзининг учинчи учрашувини ўтказади.***



Ҳозирга қадар у компьютер билан битта дуранг ва битта мағлубиятга эришган эди. Каспаровнинг "X3d Fritz" компьютер дастурига қарши дона суришдан мақсади инсоннинг интеллектуал қобилияти машинанинг сунъий ақлидан устунлигини исботлашдан иборат.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

**БУ АЖИБ ДУНЁ**

## 3 ЁШЛИ ТАЛАБА

***Боланинг тили қачон чиқади? Бу саволга ҳар хил жавоб бериш мумкин.***

Чунки болалар ўз қобилиятларига қараб гапиришни, юришни, ёзиш ва ўқишни ўрганадилар. Лекин ҳаётда шундай ноёб ва илоҳий қобилиятли болалар ҳам бор эканки, уларнинг заковати одамни лол қолдиради. Америкалик Эндрегон Иставул де Меллон 45 кунлик чақалоқлигидаёқ бийрон-бийрон гапирганида ота-онасию ҳакимлар шошиб қолишди. Лекин бу ҳали ҳолва экан. Бола 2 ёшга етиб-етмай ўқишни ўрганиб олди. Орадан бир йил ўтгач, яъни 3 ёшида Калифорния университетига қабул қилинди. Олий ўқув юртини 11 ёшида тугатиб, 13 ёшида амакилари қаторида коинот сирларини ўрганишга киришди. У ҳозир илмий-тадқиқот институтида хизмат қилмоқда.

## ЮРАГИ УРМАЙДИГАН ОДАМ

***Шунақа одам ҳам бўларканми, дейишингиз табиий.Орланда исмли қария 90 ёшга яқинлашди. Ҳали юраги бақувват.***

Лекин унинг юраги урмайди. Неча марта текширувлардан ўтган бўлишига қарамай, мутахассислар ниҳоятда сезгир асбоблар ёрдамидагина қариянинг юраги ишлаётганлигини билишган. Томирларда қон айланиши яхши. Юрак фаолияти ҳам кутилганидан аъло. Фақат юрак ураётганини билиб бўлмайди. Бу шароитда инсон яшамаслиги керак. Уни гўдаклигидан ана ўлади, мана ўлади, деб анча кутишди. Орланда эса тирик. Ҳозир ҳам югуришда унча-мунча ёшларни ортда қолдириб кетади. Шу юраги билан учта хотинни қаритди. Шу юраги билан ўн икки фарзандли бўлди.

## ПРОФЕССОР "АЙИҚ"

***Амазонка бўйлаб кезиб юрган сайёҳлар айиқ болалари билан ўйнаб юрган тўрт мучаси соғ болани кўриб қолишади.***

Уни тутишга қанчалик ҳаракат қилишмасин биринчи куни айиқ уларни яқинлаштирмайди. Эртасига эса улар болани ўғирлаб кетишади. Айиқ сутини эмиб катта бўлган бола инсонлар билан ҳечам келиша олмайди. Уни 5 йил уй қамоғида сақлашади. Ниҳоят у ўқиш ва ёзишни ўрганади. Унинг мияси шунчалик зўр ишлардики, 16 ёшида университетни битириб, тиббиётдан илмий иш қилади ва 22 ёшида профессор даражасига етади. Аммо қариган чоғида ҳам айиқ болалари орасидаги ҳаётини қўмсаётганини айтган.

## МУЗ КЎРПАЛИ ОДАМ

***Одамзод иссиққа ҳам, совуққа ҳам чидамайди. Лекин дунёда шундай одам борки, у фақат совуқни ихтиёр этади. Ҳар қандай шароитда ҳам муз кўрпага ўраниб ётади.***

Комоба ёшлигидан иссиқ нарса емай, ичмай катта бўлди. У алоҳида уйда кўрпасини ичига муз солиб ётадиган бўлди. Бориб-бориб целлофанга муз тўлдириб ичига тушиб ётишни одат қилди, мана қарийб эллик йилдан буён музга ўралиб ётади. Ейдиган овқатларига ҳам муз қўшиб ейди. "Иссиқ овқатни есам, иссиқ жойда ётсам эриб кетаман, мендан фақат буғ ва булут қолиши мумкин", дейди Комоба.

**Зуҳра РИХСИЕВА тўплаган.**

# "РЕФЕРАТ ЁЗИШНИ ИСТАМАЙМАН"

(Боши 1-бетда)

Муқоваси чиройли безалганми? Бўпти-да! Баҳосини қўявериш керак! Талаба шўрлик шунча меҳнат қилган.

Жуда тўғри. Реферат ёзиш учун ҳам анча мунча меҳнат талаб қилинади. Қанча вақт, қанча кўз нури сарфланади. Эртага имтиҳонми, шўрлик толиби илм кўзларини ишқалаб-ишқалаб, эрталабгача учта фандан ўттизта оқ қоғозни қоралаб чиқади. Дарвоқе, қоғоз-чи, қоғоз. Бир семестрда 10 та реферат ёзилса, нақ юз варақ сарфланади. Ўртача 10-15 сўмдан 1-1,5 минг сўм "қулоғини ушлаб" кетади. Талаба учун буям ҳазилакам чиқим эмас. Арзимасдек кўринган бу рақамни юз минглаб талабалар мисолида "чақиб" кўринг. Хўш, бундан талабага не наф?

-Реферат талабанинг дунёқараши, савиясини белгилашда жиддий аҳамиятга эга, - дейди профессор Файзулла Мўминов. -Уни илмий ишнинг бошланиши дейиш ҳам мумкин. Унда талабанинг иқтидори, ижодий ёндашуви, илмий нуқтаи назари акс этиши керак ва ўқитувчи ҳам ҳар бир рефератни текшириш чоғида бу жиҳатларни эътиборга олиши лозим. Бир йилда талаба учун кўпи билан 3-4 та реферат етарли. Бундан ортиғини талаб қилиш ярамайди. Бу талабани ҳам жисмонан, ҳам руҳан зўриқтириш эмасми? Менимча, талабаларга фақат махсус фанлар бўйича, ихтисослашган мавзуларда реферат ёздириш ва уни ҳар томонлама текшириб баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Муҳтарам устозларимиз, ўқув даргоҳлари раҳбарлари бу хусусда ҳам бир бош қотирсалар яхши бўларди. Модомики, реферат ёздириш қайсидир томондан талаба учун фойдали экан, бу усулнинг фақат самарали жиҳатлари амалиётга татбиқ этилса, сих ҳам, кабоб ҳам куймаган бўларди.

**Рустам ЖАББОРОВ, магистр.**

## РАССОМ ХАНДАСИ



Изоҳга ўрин йўқ.




А.ҲАКИМОВ чизган расмлар.

**НИМТАБАССУМ**

Икки дугона суҳбатлашишяпти.

-Мен машҳур киноюлдуз бўлишни, мен ҳақимда бутун дунё гапириб юришини истардим.

-Нима, бутун маҳалла сен ҳақингда гапириб юргани камлик қиляптими?

***

## НЕЧТА БАРМОҚ БОР?

-Сени нима учун қамашганди, - сўрашди яқиндагина озодликка чиққан маҳбусдан.

-Пора туфайли, - бамайлихотир жавоб берди у.

-Нега бунча тез чиқариб юборишди?

-Айтяпман-ку пора туфайли деб.

***

Ўйин олдидан мураббий ўз жамоасининг ўйинчиларига уқтирмоқда:

-Болалар, эртага менинг туғилган куним. Ушбу ўйинда ютиб чиқсаларинг, мен учун ажойиб совға тайёрлаган бўлардинглар.

-Маъзур тутасиз, устоз, биз сизга аллақачон галстук сотиб олиб қўйганмиз.

***

-Доктор, нима учун оқсашимни энди тушундим.

-Хўш?

-Оёғимда ўнта бармоқ бор экан.

-Нима қипти, ҳаммадаям ўнта бўлади.

-Гап шундаки, бир оёғимда учта, иккинчисида еттита.

***

Ишхонада ходимлардан бири иккинчисига шикоят қилди.

-Негадир белларим қақшаб оғрияпти.

-Биласанми, бунақа пайтда мен ҳар доим белимни хотинимга уқалатаман.

-Хотининг ҳозир уйдами?

**Рустам БЕК тайёрлади.**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-561, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00
Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz